

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

РАХИМОВ ШАВКАТЖОН ЖЎРАЕВИЧ

**СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Рахимов Шавкатжон Жўраевич

Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор
назоратини такомиллаштириш масалалари.....3

Rakhimov Shavkatjon Zhuraevich

Issues of improving prosecutorial supervision over the implementation
of water legislation25

Рахимов Шавкатжон Жўраевич

Вопросы совершенствования прокурорского надзора за исполнением
водного законодательства43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

РАХИМОВ ШАВКАТЖОН ЖЎРАЕВИЧ

**СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Yu580 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рахимов Фахри Хайдарович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джураев Ихтиёр Бахтиёрович юридик фанлар доктори, доцент Шайзаков Шодияр Ибрагимович юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 31 январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил 19 январь куни тарқатилди.

(2023 йил 19 январдаги “21” рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

С.М. Раҳмонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларининг глобал муаммоларидан бири иқлим ҳароратининг исиб кетиши ва аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши шароитида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини таъминлаш учун сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни таъкидлаган эди.¹ БМТ маълумотига кўра, учинчи минг йилликнинг кун тартибида сув ресурслари ҳал қилувчи рол ўйнайди.² Бироқ сувдан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган салбий ҳодисаларни бартараф этиш фақатгина қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш орқали таъминланади. Марказлаштирилган тизим сифатида маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил ва кенг ваколатларга эга орган ҳисобланган прокуратура юқоридаги вазифаларни амалга оширишга йўналтирилгандир.

Жаҳонда экологик жиноятларга қарши курашиш, сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланишга, шунингдек, гидротехника ва мелиорация иншоотларини ишлатишда хўжасизлик ҳолатларига чек қўйиш, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига омил бўлувчи сабабларни аниқлаш, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада табиатни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларини бирлаштириш, сув муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан қатъий давлат ва жамоат назоратини кучайтириш, бу борада прокурор назоратини ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш мақсадида республикада кенг кўламли тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарурлигини, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш энг муҳим вазифаларимиздан эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шу нуқтаи назардан, сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида қонунбузилишларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тизимни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилувчи ва ҳудудий

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72сессиясидаги (2017 йил 19 сентябрь) нутқи // www.president.uz.

² БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 23 декабрда қабул қилинган Резолюция (А/58/485) 58/217. “Сув ҳаёт учун” Халқаро ҳаракат ўн йиллиги, 2005–2015 йиллар// <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/about/development-agenda>

прокуратураларнинг мавжуд тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳада қонунийлик ҳолати ва қонун ҳужжатларининг ижроси устидан самарали прокурор назоратини ташкил қилиш масалаларини тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993) “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2020), “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари, “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори (2020), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ва мавзуга оид бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Ўзбекистонда Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, И.Б.Жўраев, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, Б.И.Исмоиловнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ҳамда жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Бироқ Ўзбекистон Республикасида сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

А.Б.Комилов ва И.Б.Жўраев ўз тадқиқот ишларида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганган, бироқ мазкур изланишларда сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, сув қонунчилигининг умумий жиҳатлари экология соҳасида кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, Ф.Х.Рахимов, Й.О.Жўраев, Н.К.Скрипников, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Х.Файзиев,

Б.Х.Калонов, У.Т.Аюбов, Х.Р.Исанов, Р.А.Икромов, Х.Хайитов ва У.Сайдахмедовнинг илмий ишларида қисман тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда сув ресурсларидан фойдаланишнинг тарихий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. П.Казанский, Ф.Бербер, Б.М. Клименко, Ю.Я. Баскин ва Д.И. Фельдман, С.А. Гуреев, И.Н. Тарасова, А.К. Biswas, Г.В. Воропаев, Р.Н. Gleick, В.И. Данилов-Данилян, А.Е. Кожаков, Р.Ю. Новиков, Е.Г. Понамарева, Г.А. Рудо каби олимларнинг ишларида ушбу масалалар ўрганилган.

Таниқли америкалик олим Фридрих Старр ўзининг “Ўйқотилган маърифат” номли асарида Марказий Осиёдаги биринчи ренесанс давридаги асосий пойдевордан бири сифатида ирригация тармоқларининг барпо этилишини, уни давлатнинг ривожланишида тутган ўрнини тадқиқ этган. Олим ўз китобида дунё халқлари ҳали миллат ва халқ бўлиб шаклланмаган, америка кашф қилинмаган бир даврда, мамлакатимиз ҳудудида илғор ирригация тармоқлари барпо этилганлиги, сувни юқорига кўтариш, аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ишларининг амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб, сув соҳасида муносабатларнинг ижтимоий заруратига тўхталиб ўтган.

МДХ давлатларида атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати масалалари А.Ю.Винокуров, С.Г.Кириченко, О.В.Калугина, Е.А.Куницына, Е.Ю.Шершнева, К.А.Бижанова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, россиялик ҳуқуқшунос олим А.Ю.Винокуров прокуратура органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти борасида жуда кўплаб тадқиқотларни ўтказган ва кўплаб диссертация ишларига илмий раҳбарликни амалга оширган, Россия Федерациясида бу борада ўзига хос мактаб яратган. Бироқ А.Ю.Винокуровнинг, шу жумладан юқорида санаб ўтилган олимларнинг илмий тадқиқотларида Россия Федерацияси прокуратурасининг экологик фаолиятини такомиллаштириш муаммолари, ўрмон ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, экология соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати масалалари тадқиқ этилган.¹

Табиийки, келтириб ўтилган олимлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати борасидаги тушунчаларнинг янада кенгайиши ва чуқурлашишига сабаб бўлди. Бироқ ўрганилган хорижий ва мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммолар алоҳида ўрганилмаган.

Шу боис тан олишимиз керакки, сув муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асослари муаммосининг яққол долзарблигига қарамай, у юридик

¹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлиги ҳам танланган диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган (2020-2022).

Тадқиқотнинг мақсади сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг зарурати, ўрни ҳамда аҳамиятини ёритиш ва таҳлил қилиш;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объектининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиб бериш;

сув муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати ишларини ташкил этиш ҳамда соҳада прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш амалиётини таҳлил этиш;

прокуратура органлари билан сув ва сувдан фойдаланиш соҳасини назорат қилувчи махсус ваколатли органлар ўртасидаги соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги, унинг предмети ва асосий шаклларини ёритиш;

Ўзбекистон Республикасида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг асосий йўналишларини шаклланишини ёритиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг мавжуд ташкилий асосларини ўрганиш асосида ушбу соҳани такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган илмий-назарий ёндашувлар, қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, ижтимоий сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар ва

статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати институтини такомиллаштириш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва топшириқлари, прокуратура ҳайъатлари қарорлари, тегишли прокурорларнинг топшириқ ва кўрсатмалари қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирларини ўтказишга асос бўлишини киритиш таклифи асослантирилган;

прокуратура органларининг сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда жамоатчиликнинг имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида прокурор назорати тадбирлари қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қилган ҳолларда ўтказилиши тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилган;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланиши тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилган;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан, фан ютуқларидан фойдаланишни прокуратура тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаш муҳимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Сув кодексини ишлаб чиқиш ва унда сув муносабатларини тартибга солиш соҳадаги ваколатли давлат органларининг, шунингдек сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга масъул бўлган прокуратура органларининг вазифа ва функцияларини аниқлаштиришга қаратилган нормаларнинг киритилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати, унинг предмети ва объектига оид тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ёритилган ҳамда илмий-доктринал таъриф ишлаб чиқилган;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг мақсадлари ва вазифалари, шунингдек унинг ҳуқуқий асослари

ёритилган, ушбу жараёни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослантирилган;

сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси лойиҳасига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига “Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат” бобини киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

Бош прокуратура ва давлат назоратини (назоратини) амалга оширишга махсус ваколатли бўлган вазирликлар, идораларнинг “Прокуратура органлари ва давлат назоратини амалга оширадиган органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма буйруғини ишлаб чиқиш асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги алоҳида соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган ва унда прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги асосий мақсадлари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир бобида берилган хулосалар, шунингдек диссертация иши хулосасида акс этган умумназарий ечимлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этишга оид мавжуд илмий-назарий қарашларга, ҳуқуқий база нуқтаи назаридан эса – халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга, 5 174 нафар прокуратура ходимлари, Бош прокуратура Академияси профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчиларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан 2020-2022 йилларда ўтказилган текшириш ва таҳлил материалларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари синондан ўтказилган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган, шунингдек ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари устидан назоратни такомиллаштириш, ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ҳамда янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишда, шунингдек Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети ва юридик факультетлар талабалари учун турли хил илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Прокурор назорати, “Сув ҳуқуқи” ва “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари” модуллари бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва топшириқлари, прокуратура ҳайъатлари қарорлари, тегишли прокурорларнинг топшириқ ва кўрсатмалари қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирларини ўтказишга асос бўлишини киритиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси 46-моддаси учинчи қисмига киритишда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 27 июндаги далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати институтини такомиллаштириш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконини беради;

прокурор назорати тадбирлари қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қилган ҳолларда ўтказилиши тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси 46-моддаси иккинчи қисмига киритишда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 27 июндаги далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши прокуратура органларининг сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда жамоатчиликнинг имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиш имконини кенгайтиришга хизмат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланиши тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси 45-моддасини шакллантиришда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 27 июндаги далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда текшириш имконини яратади;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан, фан ютуқларидан фойдаланишни прокуратура тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси 45-моддасини шакллантиришда (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 2022 йил 27 июндаги далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши прокуратура фаолиятини илмий, услубий жиҳатдан таъминланганлик даражасини оширишга, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан, фан ютуқларидан фойдаланишга, соҳада прокурор назоратини тамкомиллашти-ришга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштиришга замин яратади;

Ўзбекистон Республикаси Сув кодексининг “Сув ресурсларининг давлат бошқаруви” номли II бўлимидаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда бошқа органларнинг сув муносабатларини тартибга солиш соҳадаги ваколати” деб аталувчи 4-бобининг киритилишида, мазкур бобда 4-1-модда (Сув ресурсларининг давлат бошқаруви органлари), 4-2-модда (Сув муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари), 4-3-модда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари), 4-4-модда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари), 4-5-модда (Сув миллий кенгаши ва унинг ваколатлари), 4-6-модда (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ваколатлари), 4-7-модда (Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг ваколатлари), 4-8-модда (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари), 4-9-модда (Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сув муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари), 4-10-модда (Давлат органларининг сув ресурсларини бошқариш бўйича ваколатларининг ҳуқуқий ворислиги), 4-11-модда (Сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати) ва 4-12-модда (Сув тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини прокуратура органлари томонидан текшириш ва назорат қилиш) киритилишига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Сув кодексининг ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг 2022 йил 24 майдаги 01/26-1161-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф сув муносабатларини тартибга солиш соҳадаги ваколатли давлат органларининг, шунингдек сув тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга масъул бўлган прокуратура органларининг вазифа ва функцияларини аниқлаштиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 6 та илмий мақола, хорижий журналларда 1 та мақола, 7 та илмий конференциялар тўпламларида (4 та халқаро) мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 9 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Сувдан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, предмети ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва ижтимоий зарурияти, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, сув муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари тадқиқ этилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири эканлиги, сув ресурсларидан самарали фойдаланишда прокурор назоратини ривожлантиришни, ушбу йўналишда энг самарали усул ва шакллардан фойдаланиш зарурати кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотчи юридик адабиётларда (Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, М.Рустамбаев, А.Б.Комилов, С.И.Баскакова) прокурор назоратига оид ишлаб чиқилган тушунчаларни таҳлил этиб, прокурор назорати давлатнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги ўта муҳим, энг самарали, изчил ва ўзига хос назорат шакли эканлигини, қонун устуворлигига асосланган ҳолда унга аниқ ва қатъий риоя этиш, инсон ва фуқаронинг, жамият ва давлатнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

прокуратура органлари фаолиятининг асосий мақсади эканлигини, келажакда илғор механизмлар ва технологияларни назарда тутувчи юқори технологияли прокурор назоратини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш тобора долзарб бўлиб боришини қайд этади.

Муаллиф томонидан олимларнинг (Б.Х.Пўлатов, А.Б.Комилов, В.Б.Ястребов) фикрлари таҳлили асосида инсон ва фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши ва ҳимоя қилиниши сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати предметининг ажралмас қисми, деган хулосани илгари суради. Унинг фикрича, инсон ва фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи фактлар ва ҳолатларни яширганлиги учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширувчи махсус норманинг Асосий Қонунимизда мустаҳкамланиши фуқаронинг экология соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш кафолатини бажаради.

Таҳлиллар асосида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг предмети сифатида сув ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва кўриқлашнинг муҳим асосларини ўзида белгилаган мамлакатимиз Конституциясининг қоидаларига риоя қилиш; Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида назарда тутилган қонунларнинг ижро этилиши ва қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлигини аниқлаш; ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш кабиларни киритади.

Тадқиқот ишида сув тўғрисидаги қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор назорати предмети бўлиш ёки бўлмаслиги борасидаги мавжуд баҳс-мунозаралар таҳлил қилинади. Диссертант қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор назорати предмети бўлмаслиги (В.Б.Ястребов) ва аксинча, назорат қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасини кенгайтириш тарафдорларининг (К.А.Бижанова) фикрларини таҳлил қилиб, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида фақат қонунлар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва топшириқлари, прокуратура ҳайъатлари қарорлари, тегишли прокурорларнинг топшириқ ва кўрсатмалари қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тадбирларини ўтказишга асос бўлиши кераклиги асослантилган. Тадқиқот доирасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сув тўғрисидаги қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор назорати предмети бўлишига 5 174 та респондентларнинг 3 895 таси, яъни 75,3% ижобий муносабат билдирганлигини кўрсатади.

Диссертант прокуратура органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги прокуратура

фаолиятини ташкил этишнинг муҳим элементи эканлигини таъкидлаган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи органлар, уларнинг мансабдор шахслари, тижорат ва нотижорат ташкилотлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни оқилона бошқариш соҳасида ўзларига берилган ваколатлар, функциялар ва вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини текшириши прокуратура органларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолишини асослантирган. Шунингдек, айрим давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда текшириш имконини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси иккинчи хатбошига қўшимча киритиш ва прокурорларга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ваколатини бериш таклифини илгари сурган.

Диссертант мамлакатимизда сувдан фойдаланиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиб, Ўзбекистон Республикасида Сув кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда миллий хусусиятларимиз ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилади. Таҳлиллар натижасида Сув кодексини ишлаб чиқишнинг заруратини қуйидаги омиллар билан изоҳлайди: Сув кодекси сувга оид муносабатларни тартибга соладиган қонунчиликни тизимлаштиришнинг энг муҳим шакли бўлиб, у амалдаги сув қонунчилигини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва такомиллаштиришни назарда тутлади; Сув кодекси ушбу соҳа қонунчилигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади; Сув кодексининг ишлаб чиқилиши амалдаги сув қонунчилигида мавжуд бўлган камчилик, бўшлиқ ва ўзаро зиддиятларни бартараф этиш имконини беради; Сув кодекси сув муносабатларини тартибга солувчи бош қонун ҳужжати бўлади ҳамда ушбу муносабатларни тартибга солиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади; Сув кодекси сув ҳуқуқий нормаларини қўллашнинг қулай ва осон бўлишини таъминлайди. Шунингдек, диссертант Сув кодексидан сувдан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишга қаратилган нормаларнинг назарда тутилишини асослантирган. Шу ўринда олиб борилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Сув кодексидан прокурор назоратини амалга оширишга қаратилган норманинг назарда тутилишига жами сўровда иштирок этган 5174 та респондентларнинг 4099 таси, яъни 79, 2 % ижобий муносабат билдирганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлик масалалари**” деб номланиб, уч параграфни ўз ичига олади.

Диссертант томонидан олимларнинг (Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, В.Г.Бессарабов, Э.Л.Барсегова) фикрлари таҳлили асосида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати ишларини ташкил этишга прокуратура ходимларини танлаш, жойлаштириш, малакасини ошириш, уларнинг фаолиятини доимий равишда тартибга солиш, уларни

маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган барча воситалар билан таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш, ишларни режалаштириш, режалар бажарилишини назорат қилиш, белгиланган муддатларда юқори якуний натижаларга эришиш учун прокуратура ва бошқа органларнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган чора-тадбирлари мажмуи деган таъриф ишлаб чиқади.

Прокурор сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда жамоатчиликнинг, айниқса, жамоат ташкилотларининг имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиши зарурлиги асослантирилган. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги хабарларнинг сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижросини текширишдаги аҳамияти ва заруратидан келиб чиқиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор назорати тадбирлари қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи ва жинойтчилик ҳолати таҳлили прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қилган ҳолларда ўтказилишини белгилаш таклиф қилинган.

Диссертант сув соҳасини назорат қилувчи органлар ва прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик ва унинг асосий шакллари тадқиқ этар экан, ҳеч қандай ҳолатда прокурорларнинг фаолиятини давлат ҳокимияти органларининг сув соҳасидаги фаолияти билан алмаштиришга рухсат берилмаслиги каби қоидага амал қилиш муҳимлигини асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида прокуратура ва бошқа ваколатли назорат органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари на қонунчилик даражасида, на идоравий даражада, мустақамлаб қўйилмаган. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғини ишлаб чиқиш таклифини асослайди ва Буйруқ лойиҳасини диссертация ишига илова қилади.

Тадқиқот ишида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда прокуратура ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари тадқиқ этиш ва амалиётга жорий қилиш бу соҳадаги қонун ҳужжатларини самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида хулосалар илгари сурилади. Муаллиф таҳлиллар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик экологик кенгашларини ташкил этиш зарурлиги тўғрисида хулосага келган. Тадқиқот доирасида ўтказилган ижтисоий сўров натижалари ҳам сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик экологик кенгашларини тузишнинг тўғри бўлишини кўрсатади. Масалан, сўровномада иштирок этган 5 174 та респондентларнинг 3 913 таси, яъни 75,7 % Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик экологик кенгашларини ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлаган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “Сувга оид ҳуқуқий муносабатларда прокурор иштироки бўйича хорижий тажриба таҳлили ва прокурор назоратини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланиб, мазкур бобда илғор ривожланган давлатлар, жумладан, Франция, Буюк Британия, Германия, Шимолий Ирландия ва бир қатор МДХ давлатларининг (Россия, Қозоғистон) экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус кодификацияланган қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган.

Муаллифнинг фикрича, Янги Ўзбекистонни барпо этиш талабларидан ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлардан келиб чиқиб ҳамда фуқаронинг экология соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослантирилган. Унга кўра, ҳар бир инсон ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф табиий муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлиш, ушбу ҳуқуқнинг бузилиши натижасида соғлиғига ёки мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги, мансабдор шахслар томонидан одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи фактлар ва ҳолатларни яшириши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши таклиф қилинган.

Диссертация ишида сув фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича дунё мамлакатлари прокуратура органларининг роли таҳлил қилиниб, бу борада дунё мамлакатларининг прокуратуралари гуруҳларга ажратилиб, ўрганилган. Муаллифнинг фикрича, экология борада махсус билимга эга бўлган ихтисослаштирилган экология прокуратураси ташкил этилган давлатлар (масалан, Испания, Россия), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этилган далилларга асосланган ҳолда жинойт ишларини қўзғатишга ваколатли бўлган прокуратура органлари мавжуд бўлган давлатлар ушбу гуруҳга мансубдир. Диссертант хорижий ва халқаро тажрибанинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда атроф табиий муҳимни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда прокуратура органларининг ихтисослашуви муҳим ўрин тутишини, бу соҳада назоратни амалга оширувчи махсус экология прокуратурасининг ташкил этилиши ва ушбу прокуратура органларига сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш каби муҳим функция ва вазифалар белгиланишини таклиф қилади. Бу борадаги ўтказилган сўров натижаларига кўра, унда иштирок этган 5 174 та респондентларнинг 3 999 таси, яъни 77,3 % Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида “Ихтисослаштирилган прокуратура органлари фаолияти тўғрисида” алоҳида боб киритилишини ижобий баҳолаган.

Муаллиф томонидан сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида худудий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи прокурорларнинг вазифа ва ваколатларидаги фарқларни аниқлаш, чегаралаш ва уларни оптималлаштириш кўрсатилади. Диссертантнинг фикрича, бу назорат фаолияти билан шуғулланувчи прокурорларнинг ўзларига юклатилаётган вазифаларни такрорланишини олдини олади ва шу билан бирга назоратнинг тўлиқлигини таъминлайди. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, прокурор назоратининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида сўровда иштирок этган 5 174 респондентларнинг 2 035 таси, яъни 39,3% прокуратурага хос бўлмаган бошқа назорат йўналишлари билан шуғулланишлари натижасида иш юкламасининг кўплигини, 1765 таси, яъни 34,1% сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган услубий ёрдамнинг етарли эмаслигини, 1 383 таси, яъни 26,6 амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатган.

Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, амалдаги қонунчиликда айрим давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, айрим тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини прокуратура органлари томонидан белгиланган тартибда текшириш бирмунча чекланганлигини, амалиётда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари кўплаб учрашини, ўз навбатида прокуратурага давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан сув тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш ваколатининг берилиши бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг муҳим кафолати бўлишини асослайди. Прокуратурага давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан сув тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш ваколатининг берилишига муносабат билдирган жами 5 174 та респондентнинг 1 339 таси, яъни 25,9% сув тўғрисидаги қонунчилик ижросини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини текшириши учун ҳам кераклигини, 930 таси, яъни 17,9 % жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун жуда муҳимлигини, 474 таси, яъни 9,1% жазонинг муқаррарлигини таъминлаш учун ҳам кераклигини, 475 таси, яъни 9,1% эса ушбу субъектларнинг қонунларни ижро этиши борасида назоратсиз қолиб кетишини олдини олиш учун муҳимлигини баён этган.

Диссертант хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини (Россия, Қозоғистон) таҳлил қилган ҳолда прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат йўналишидаги фаолиятида прокурор текширувини ҳуқуқий тартибга солиш, прокурор текширувининг тушунчаси, асослари ва тартиб-таомилларини, қонунлар ижросини текшириш муддатларига аниқлик киритиш, текширишларни тўхтатиб туришга қаратилган нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш таклифини илгари суради ва бу ўз навбатида текшириш муддатларини узрли сабабларсиз ва ҳеч қандай асосларсиз узайтирилишини олдини олишини қайд этади. Бу борада ўтказилган

ижтимоий сўров натижалари ҳам прокурор текширувлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Бош прокурорнинг кўрсатмаларига асосан тайинланиши ва амалга оширилиши, шунингдек, қонунлар ижросини текшириш муддати ва ушбу муддатни узайтириш, текширилаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қонунда белгиланишига сўровномада иштирок этган 5 174 та респондентдан 4087 таси, яъни 79% ижобий муносабат билдирганлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

“Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди.

I. Прокурор назоратига оид илмий-назарий хулосалар:

1. Диссертация ишида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг предметини таҳлил этиш натижасида прокурор назоратига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, прокурор назорати деганда, прокуратура органларининг Конституция ва қонунларига асосланган ҳолда қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат ҳокимияти тармоқларидан мустақил равишда амалга оширадиган, қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида ва тезкорлик билан аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қонунбузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилиш, давлатнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги ўта муҳим, энг самарали, изчил ва ўзига хос назорат шакли бўлиб, қонун устуворлигига асосланган ҳолда унга аниқ ва қатъий риоя этиш, инсон ва фуқаронинг, жамият ва давлатнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлашга қаратилган махсус фаолияти тушунилади.

